
ЖАЖЖИ ИСТЕЪДОД

Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасида 2021 йил 25 март куни янги истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни рағбатлантириб бориш, 5 ташаббус йўналишларини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Жажжи истеъдод” кўрик танловининг туман босқичи ташкил этилди. Танлов 2-сектор ҳудудида жойлашган 9-ДМТТда бўлиб ўтди. Бунда 4-, 22-, 10-,14-, 9- давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари қатнашдилар. Танловнинг фахрли 3-ўрини 22-ДМТТга, 2-ўрин 4-ДМТТга ва 1-ўрин 9-ДМТТ тарбияланувчисига берилди. Танлов ғолибларига туман мактабгача таълим бўлимининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Х.САРИМСАҚОВА,

туман МТБ мудир.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-03-25 15:53:01